



220200 Богот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» март

№ 635а

Богот шаҳарчаси

Нусха № 1

«ZAMIN NE'MATLARI TOMORQA XIZMATI» МЧЖга Богот тумани «Олтинкум» шаҳарчаси ҳудудидан «Иссикхона» қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

«ZAMIN NE'MATLARI TOMORQA XIZMATI» МЧЖ раҳбари Б. Матякубовнинг Богот тумани «Олтинкум» шаҳарчаси ҳудудидан «замонавий типдаги иссикхона» қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган 21.02.2020 йилдаги ХО-М-575-сонли сўровномасини, туман хокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёнини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва саклаш бўйича энгил конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида»ги 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман хокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. «ZAMIN NE'MATLARI TOMORQA XIZMATI» МЧЖга Богот тумани «Олтинкум» шаҳарчаси ҳудудидан «Замонавий типдаги иссикхона» қурилиши учун «Қораев Абдулла» фермер хўжалиги ер майдонидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1120 қисман-1122 қисман контурлар 49 балл бонитетли умумий ер майдони 4,5 гектар, шундан 4,3 гектар экин ери, 0,2 гектар ариқзовур ва йўллардан иборат ер майдони вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ер хисоботини тузиш даврида ушбу ўзгаришларни хисобга олиш вазифаси топширилсин.

4. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

- “Замонавий типдаги иссиқхона” ташкил қилиш учун ажратиб берилган 4,5 гектар ер майдонини батафсил режалаштириш лойихаларини ишлаб чиқсин.

5. Ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Р.Рахимов)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман қурилиш бўлими бошлиғи (А.Қурязов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

6. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Р.Рахимов) ва “Олтинкум” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси (Б.Авезов)га вақтинча (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонини жойида далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 1 (бир) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

8. «ZAMIN NE'MATLARI TOMORQA XIZMATI» МЧЖ раҳбари Б. Матяқубовга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

10. Ушбу қарорнинг тасдиғи Хоразм вилояти ҳокимидан сўралсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбанов ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Қурязовлар зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев